

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ЎРТА МАХСУС, КАСБ - ҲУНАР ТАЪЛИМИ МАРКА

Ф Р А Н Ц У З Т И Л И

(160 соат)

фанидан

**академик лицей ва касб- ҳунар коллежлари учун
ўқув дастури**

ТОШКЕНТ-2010

Ушбу дастур Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус ҳамда Халқ таълими вазирликларининг 2010 йил 1 июлдаги 6/1 ва 4/2-сонли қўшма Ҳайъат мажлиси қарори билан тасдиқланган ва академик лицей ва касб-хунар коллежлари учун француз тили фанидан узвийлашган ўқув дастури сифатида узлуксиз таълим тизимига жорий этиш учун тавсия этилган.

Дастурни оптималлаштиришда иштирок этган ишчи гуруҳи аъзолари:

- | | | |
|----|---------------|--|
| 1. | Н.Қ.Очилова | Тошкент туризм касб-хунар коллежи ўқитувчиси |
| 2. | С.М.Саминова | Тошкент давлат миллий рақс ва хореография олий мактаби қошидаги хореография коллежи ўқитувчиси |
| 3. | М.А.Маҳмудова | Республика эстрада ва цирк коллежи ўқитувчиси |
| 4. | Г.Алимова | Тошкент шаҳар Юнусобод тумани 51-мактаб ўқитувчиси |
| 5. | И.Ниязметова | Тошкент шаҳар Юнусобод тумани 51-мактаб ўқитувчиси |
| 6. | Н.Қурбонова | Тошкент шаҳар Хамза тумани 155-мактаб ўқитувчиси, РТМ Илмий методик кенгаш аъзоси |
| 7. | С.Ражабова | Тошкент шаҳар Чилонзор тумани 162- мактаб ўқитувчиси |

Тақризчилар:

Р.С.Ибрагимова - Низомий номидаги ТДПУ Чет тиллар факультети, Табиий факультетларда чет тиллар кафедраси мудири в.б.

А.Ирискулов - Ўзбекистон Давлат Жаҳон тиллари университети доценти, Республика тил ўқитиш маркази директори.

Нашрга тайёрлади:

Н.Чиникулов – Таълим стандартлари ва ўқув адабиётларини такомиллаштириш бошқармаси бошлиғининг ўринбосари

Тушунтириш хати

Академик лицей ва касб-хунар коллежлари олдида турган муҳим вазифаларнинг ҳал қилинишида хорижий тилга ўқув фани сифатида алоҳида эътибор берилмоқда.

Ушбу ўқув фани жамият ижтимоий-иқтисодий, илмий-техник ва маданий тараққиётининг муҳим омилига, тилнинг ўзлаштирилиши эса узлуксиз таълимнинг муҳим бир қисмига айланиб бормоқда.

Ушбу «Француз тили» ўқув фанининг асосий вазифаси – хорижий тилнинг ўқувчилар томонидан мулоқот воситаси сифатида ўзлаштирилишини таъминлаш, яъни гапириш, матнларни ўқиш, таржима қилиш, тинглаб тушуниш ва ёза олиш каби коммуникатив малакаларни шакллантиришдан иборатдир.

Ўқув дастури 160 соатга мўлжалланган.

Академик лицей ва касб-хунар коллежларида таълимнинг мақсад ва
вазифалари

Ўқувчиларга хорижий тил воситалари орқали таълим ва тарбия беришга қаратилган ўқитишнинг комплекс мақсади қуйидагилардан иборат:

- нутқ фаолияти турларини ўргатиш;
- ўқувчилар манфаати ва касбий интилишларини ҳисобга олган ҳолда уларни оғзаки ва ёзма шаклдаги маданиятлараро мулоқотга тайёрлаш, бу борада мазкур тилдаги адабиётларни ўқий олиш каби кўникма ва малакаларини шакллантириш;
- тил имкониятлари ва нутқ маданиятини, жумладан, она тилидан амалий фойдалана олиш қобилиятини ривожлантириш;
- ўқувчиларнинг умумтаълим ва филологик, тилшунослик ва мамлакатшунослик соҳаларидаги билимларини чуқурлаштириш;
- ихтиёрий диққатни ўстириш, мантиқий хотира ва таҳлилий тафаккур каби касб учун муҳим бўлган ҳислатларни ривожлантириш;
- ўқувчилар умуммаданий савиясини, уларнинг турли билимлар соҳасидаги, жумладан, касбий манфаатлари нуктаи назаридан муҳим бўлган аниқ фанлар доирасидаги билимларини (хорижий тиллардаги ижтимоий-гуманитар, табиий-математик ва умумтехник фанларга оид аслиятдаги матнларни ўқиш орқали) кенгайтириш.

Ушбу мақсадлардан келиб чиққан ҳолда хорижий тил курсининг олдига қуйидаги вазифалар қўйилади:

- луғат, имло, талаффуз, сўзлар маъноси ва тил қурилиши соҳаларида ўқишнинг аввалги босқичларида шаклланган кўникма ва малакалар асосида ўқувчи луғавий савиясини ривожлантириш;

- тил материали, нутқ маданиятидан фойдаланишнинг ижтимоий-маданий қоидаларини билиш;
- ёзма ва оғзаки шаклда фикр баён этиш учун сўзларни бир-бирига қўша олиш, сўзлардан ва баъзан сўзлар орқали фикрни бера олиш имкони бўлмаган ҳолларда тил элементлари ўрнига имо-ишора каби мулоқот воситаларидан фойдалана олиш;
- маиший, ўқув-ишлаб чиқариш, ижтимоий-маданий соҳалар юзасидан нутқий мулоқотларда, фаол ижтимоий ва ишлаб-чиқариш фаолиятлари жараёнларида зарурий оғзаки ва ёзма нутқ имкониятларидан фойдалана олиш малакаларини ривожлантириш;
- тили ўрганилаётган халқлар маданиятлари, жаҳон маънавий ва илмий қадриятлари билан таништириш.

Таълим жараёнини ташкил этиш

Академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида ўқитиладиган хорижий тилнинг амалий курси 3 йилга мўлжалланган бўлиб, муайян ўқув юртининг йўналиши ва ўқув режалари имкониятларидан келиб чиққан ҳолда 160 дан 248 гача ўқув соатини қамраб олади. Француз тили бўйича дарслар ўқувчиларнинг ўрта мактабда ўрганган билим, кўникма ва малакалари асосида олиб борилиши, қолаверса, ўқув юртларининг йўналишидан келиб чиқиб, дарс соатларининг ҳажми ўзгариши академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида ўтиладиган таълим жараёнига ижодий босқичма-босқич ёндашишини тақозо қилади. **Биринчи босқичда** дастлабки ва асосий даражага эришиш, дастурий минимумни эгаллаш кўзда тутилади. **Иккинчи босқичда** эса ўқувчилар хорижий тилдаги нутқий фаолиятнинг асосий турларини ўзлаштирадilar.

Таълим босқичлари ва ўзлаштириш даражаси таълимнинг конкрет шароитига қараб дарс соатларида турлича ўзифодасини топади.

Академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида хорижий тил курси ўз хусусиятларига эга. Ўқувчиларнинг ёш хусусиятларига қараб хорижий тил курси уларнинг билимга интилиш ва эҳтиёжларини тўлароқ қондиради.

Ўқувчиларнинг индивидуал хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда уларга нисбатан фарқлаб ёндашиш амалга оширилади. Ўқувчиларни фарқлаш қуйидаги йўналишларда олиб борилиши мумкин:

-ўқув топшириқлари мураккаблиги ва уларнинг бажарилиши муддатига қараб фарқлаш;

-бу борада ўқувчиларга бажарилиши шарт бўлган топшириқ билан биргаликда нисбатан мураккаб, лекин баъзи ўқувчиларнинг юқори даражадаги имкониятларига мос келадиган вазифалар ҳам тавсия этилади.

Ўқитишни фарқлашнинг бошқа йўналиши - билим ва касбий муносабатлари масаласида аҳамиятли бўлган ўқув материалларини танлашда, ўқувчилар манфаат ва имкониятларини ҳисобга олишга асосланади.

Академик лицейлардаги хорижий тил таълими ўқувчиларнинг юқори даражадаги мустақиллиги билан фарқ қилиши лозим. Шунинг учун бу ерда адабиёт, вақтли матбуот, ўқув қўлланма кабилардан керакли маълумотларни олиш, турли хилдаги ахборотларни тайёрлаш, режа-конспектлар, реферат, аннотацияларни тузиш, зарурий адабиётлар рўйхатини тузиш кабиларга йўналтирилган якка, жуфт ва гуруҳ бўлиб, аудиторияда, уйда, лингафон хонасида, кутубхонада мустақил иш олиб борилади. Бундай иш кўпинча ижодий ва тадқиқий характерга эга бўлади.

Хорижий тил таълими мактаб ўқувчиларида ҳосил қилинган билим, кўникма ва малакаларига асосланибгина қолмасдан, балки бошқа (адабиёт, тарих, математика, француз тили, кимё, биология каби) фанлар ўқитилиши жараёнида олинган билимларга ҳам асосланади.

Таълим мазмуни

Хорижий тил ўқув фани мазмунининг таркибий қисмларини тил материали, нутқ мавзулари, тилшунослик ва мамлакатшунослик соҳаларидаги билимлар ташкил этади.

Хорижий тил таълими мазмуни таркибига кўникма ва малакалар ҳам киради. Улар уч гуруҳга ажратилади:

-ўқув-интеллектуал кўникма ва малакалар, яъни тинглаш ва ўқиш жараёнида тил ҳодисалари ва далиллари ўртасидаги сабаб ва оқибат алоқаларини ўрната олиш, ушбу ҳодиса ва далилларни фарқлаш, умумлашма ва хулосалар қила олиш ушбу курс ўқитилиши жараёнида ниҳоятда долзарб масаладир;

-ўқув-ахборот кўникма ва малакалар, яъни ахборотларни асосий ва иккинчи даражалиларини фарқлай олиш, турли манбалардан керакли ахборотни ажрата олиш, маълумотлардан фойдалана олиш, ахборотларнинг шартли белгилар ва новербал воситаларини-чизма, диаграмма, қаламтасвир, математик символларни тушуна олиш;

-ўқув-коммуникатив кўникма ва малакалар, яъни муаммо муҳокамасида қатнаша олиш, оғзаки ифода этиладиган фикрларни, ўқилган маъруза тезислари, реферат кабиларнинг режасини тузиш, ёза олиш ва ҳ.к.

Умумтаълим мактаблари дастурларига киритилган гапириш, тинглаб тушуниш ва ўқишдан ташқари, махсус ўқув кўникма ва малакаларини шакллантириш, таржима қилиш (хорижий тилдан она тилига) ҳамда ёзишни ҳам киритилишини талаб қилади.

Матнларни ўқиш хорижий тил таълимининг ушбу курсида нутқий фаолиятнинг етакчи, устувор тури бўлиб ҳисобланади.

Матнларни ўқиш аҳамиятининг бундай юқори бўлиши мутахассиснинг иш услуби билан боғлиқдир, чунки унга фаолияти жараёнида касби учун муҳим бўлган ахборотни турли манбалардан, жумладан, хорижий тилда чоп этилган манбалардан ахтариш, уларни ўзгартириш, ишлата билишга тўғри келади.

Ундан ташқари, ўқиш нутқий фаолиятнинг шундай турики, уни талаб даражасида ўзлаштири олиш мумкин ва пировардида нутқий малакаларнинг бошқа турларини шакллантирилишига ижобий таъсир кўрсатиши мумкин.

Ўқитиш жараёнида ахборотни тўлиқ ўзлаштириш (ўрганув ўқиш), асосий ахборотни билиб олиш (танишув ўқиш), ахборотни қисман ўзлаштириш мақсадида ва турли манбаларни тушуна олиш ва дарҳол керакли материалларни танлай олиш (кузатув ўқиш) каби функционал ўқиш қобилиятини ривожлантирилиши кўзланади.

Бу борада, биринчи курсда мактабда ўзлаштирилган матнлар ўқишнинг умумий механизмлари, ўрганув ўқиш ва танишув ўқиш каби унинг икки кенг тарқалган турларини такомиллаштирилиши, II ва III босқичларда эса келтирилган таълимнинг икки турига кузатув ўқиш қўйилади. Кузатув ўқишнинг якуни сифатида оғзаки ахборот бериш ёки реферат тузилиши кўзда тутилади.

Нутқий малакалар

Ўқиш

Академик лицей ва касб-хунар коллежлари ўқувчиларида таркиби 7 фоизгача нотаниш сўзлар ўқиб бўлган хорижий тилдаги матнларни тушуна олиш малакалари ҳосил қилинади:

- ўқувчиларнинг умумий савиясини кўтариш, билимга бўлган эҳтиёжини қондириш ва уларнинг адабий таълим олишлари учун хизмат қилувчи бадиий матнларнинг асл нусхаларини ўқиш;

- ўқувчиларнинг маънавий манфаатларини қондириш, уларнинг умумий билимдонлигини ошириш учун хизмат қилувчи илмий-оммабоп характерга эга бўлган матнларни ўқиш (масалан, илмий кашфиётлар тарихи, мукамал ЭҲМ имкониятлари каби матнларни ўқиш);

- шу куннинг янгиликларини, олимлар ва ёшларнинг халқаро алоқаларини акс эттирувчи, янги ихтиролар ва технологиялар, экологик масалалардаги маълумотларни берувчи ижтимоий-сиёсий характерга эга бўлган матнларни ўқиш;

- ўз соҳаси бўйича етарли маълумотларга эга бўлган ўқувчига мўлжалланган, унинг мавжуд билимларини чуқурлаштиришга қаратилган, бўлажак ихтисослиги билан боғлиқ бўлган матнларни (масалан: математика, физика, биология бўйича) ўқиш;

- аниқ бир гуруҳ ихтисосликлар учун мўлжалланган илмий техник ахборотлар ва асосий фанлардан ўқувчиларни қизиқтирувчи бўлимларига, амалиётни тегишли соҳаларига оид бўлган маълумотларни киритувчи махсуслаштирилган (жумладан, алоқа, транспорт, машинасозлик, электрон-хисоблаш техникаси, молия, савдога оид) матнларни ўқиш;

- ўқувчиларнинг билимга бўлган эҳтиёжларини нисбатан тўлароқ қондирувчи илмий-фантастик характерга эга бўлган матнларни ўқиш.

- тили ўрганилаётган мамлакат ва юртимиз урф-одатларини қиёслаб ўргатиш.

Юқорида келтирилган матнларнинг сўнгги икки тури билимлар даражаси юқори ва касбий интилишлари аниқ бўлган II ва III босқич ўқувчиларига мўлжалланган.

Таълимнинг асосий вазифаси - ўқиш жараёнида матн элементларининг мантиқан ва маъноси жиҳатидан ўзаро боғлиқлигини аниқлашга йўналтирилган изланиш ва тадқиқий фаолият олиб бориш усуллари билан ўқувчиларни қуроллантиришдан иборатдир.

Ушбу вазифанинг бажарилиши учун ўқиш жараёнида ҳам умумий, ҳам махсус кўникма ва малакаларни шакллантиришга мўлжалланган машқлардан фойдаланиш мумкин. Ушбу машқлар ўз навбатида матннинг мазмунини ва мантиқига оид таркибини тушунишни ўргатади. Бу жараён асосида эса ўхшатиш билан боғлиқ бўлган ҳаракат қилиш, солиштириш, аниқ бир туркум таркибидан керакли иборани танлаб олиш, ахборотни ўзгартириш, матн ичидан маънодор элементларни ажрата олиш, алоҳида далилларни бир бири билан таққослаш қобилиятларини шакллантиришга қаратилган. Ушбу кўникма ва малакалар топшириқлар бажариш жараёнида шаклланади. Топшириқлар:

- муҳим сўз, гап, сўз бирикмасининг тагига чизиш;
- матн ғоясини тасдиқловчи ёки инкор қилувчи далилни топиш;
- абзац, матн таркибидаги далиллар сонини аниқлаш;
- матнда келтирилган далилларни аҳамиятига қараб тақсимлаш;
- қисқартиш мумкин бўлган иккинчи даражали далилларни кўрсатиш.

Қуйидаги топшириқли машқлар ўқувчиларнинг умумлаштириш, алоҳида далилларни бирлаштириш кўникма ва малакаларини шакллантиради:

- абзацни номлаш;
- бир неча сарлавҳадан қайси бири абзац ёки матн мазмунига кўпроқ мос келишини аниқлаш;
- ушбу абзац жавоб бўлиб хизмат қилиши мумкин бўлган саволни топиш;
- матннинг бир парчасини ўқиб, унинг давомини ўйлаб топиш.

Ўқишнинг барча турлари ўзига хос хусусиятларга эгадир.

Ўрганув ўқиш матнни, жумладан, тилнинг ифодавий воситаларини таҳлил қилиши билан фарқ қилади. Ўқишнинг бу тури ўзлаштирилган ахборотнинг тўлиқ тушунилишини ва кейинчалик уни қайтадан тикланишини (айтиб бериш, реферат, аннотация кабилар орқали) тақозо этади. Машқларга қўйилган тахминий топшириқлар:

- матнда белгиланган гап ёки абзацларни таржима қилиш;
- матн мазмунини таҳлил қилиш;
- ўқиб чиқилган мақола мазмунига мавжуд аннотациялардан қайси бири кўпроқ мос келишини аниқлаш;
- муҳим бўлмаган тафсилотларни чиқариб ташлаш йўли билан матнни қисқартириш.

Танишув ўқиш ўқиб чиқилган матннинг умумий мазмунини тушуниб олишни назарда тутаяди, ўзлаштирилган ахборотнинг

тафсилотларига берилмай, уни кейинчалик ишлатилишини назарда тутмаган ўқиш туридир.

Ўқишнинг бундай турида матндаги ахборотнинг 75 фоиздан кам бўлмаган қисми тушунарли бўлиши лозим.

Машқларга қўйилган тахминий топшириқлар:

- матннинг асосий мазмунини баён этиш;
- матннинг муҳим сўзларини аниқлаш;
- муаллиф хулосалари учун асос бўлиб хизмат қилган далилларни санаб бериш;
- матнда акс эттирилган ҳодисаларнинг кетма-кетлигини белгилаш мақсадида гаплар олдига рақамлар қўйиб чиқиш;
- келтирилган фикрларнинг қайси асосий, қайси иккинчи даражали эканини аниқлаш;
- келтирилган гапларнинг қайсилари матн парчалари учун сарлавҳа вазифасини бажариши мумкин;
- тавсия этилган режа асосида матнни қисмларга бўлиш.

Кузатув ўқиш матн мазмуни ҳақида кенг умумий тасаввур ҳосил қилиш, сюжет мавзусига (ўқишнинг бундай тури қўлланилганида ахборотнинг 10-15 фоиздан кам бўлмаган қисми тушунарли бўлиши лозим) қаратилгандир. Ўқишнинг бундай шакли ўқувчига олдиндан маълум бўлган, аниқ маълумотларни (рақамлар, цитата ва бошқа шу кабиларни) ахтариш мақсадида ишлатилади.

Машқларнинг тахминий топшириқлари:

- матнда нима ҳақида сўз бораётганини аниқлаш;
- матнда (матн олдида) ажратиб кўрсатилган сўзларни кўриб чиқиб, уларда гап нима ҳақида бораётганини айтиб бериш;
- мақолаларни кўриб чиқиб, уларнинг қайси бирлари матн муаммосига тегишли эканини айтиб бериш;
- газетанинг битта сонини кўриб чиқиб, унда қандай мавзу аниқланганлигини айтиб бериш.

Кузатув ўқиш - матн материалидан қўйилган саволга жавоб топиш, ўқиш жараёнида ўзлаштирилган ахборотни кейинчалик албатта ишлатилиши лозим эканини тушунилишига асосланган ўқишдир.

Машқлардаги тахминий топшириқлар:

- мустақил равишда ўқиладиган матнни танлаш;
- муаммони ёритиб берувчи мақолаларни газетадан ажратиб олиш;
- газетада фалон парча ҳақидаги мақолани топиш.

Матнларнинг турли жанрлари устида ишлаш жараёнида ўқувчилар ўзларининг билим даражаларига асосланган ҳолда ўқиб чиқилган материаллар бўйича топшириқларнинг турли усулларини-матн режасини тузишдан тортиб, то ўқув реферат ва аннотациялар тузиш кабиларини ўзлаштирадилар, перифраз, компрессия ва ҳикоя қилиш оралиқ амаллари бўлиб хизмат қилади.

Перифраз - бу сўз бирикмалари ва гапларни бир оз ўзгартирилган шаклида бериш (матнда акс эттирилган ҳодисаларни жамлаб, ўз сўзи билан баён этилиши).

Компрессия - матн мазмунини умумлаштириб берувчи жумлалар орқали асосий маънони етказиш йўли билан, унинг ихчамлаштирилиши, қисқартирилиши, матн материаллари катта парчаларининг қайта ишланиши жараёнида қўлланади.

Ҳикоя қилиб бериш - ёзма ёки оғзаки матннинг қисқа қилиб баён этилиши матн мазмуни устида қайта ишлашнинг кенг тарқалган усулидир. Ҳикоя қилиб берилиши жараёнида асл матн нусхасидан цитаталар ҳам келтирилиши мумкин, умуман олганда, ўқувчилар ҳикоя қилиб бериш усулидан фойдаланганларида матнни ўзлари яхши ўзлаштириб олган тил воситалари орқали баён қилиб берадилар. Бу усул қўлланилганида умумлашмалар, махсус қолип гаплар ўз ўрнига эга бўлади.

Реферат - асосий ахборотнинг ўта қисқартирилган шаклдаги баёни. Рефератда матннинг асл нусхасида келтирилган асосий далил ва ҳодисалар санаб чиқилади, лекин у фикр-мулоҳаза, исбот, мисоллардан ҳолидир.

Аннотация - хабар бериш ва таништириш вазифасини бажаради. Аннотация асосий мазмунни ўз сўзи билан аниқ ва имкон қадар қисқа (5-20 қаторгача) қилиб баён этилишидир, яъни у ўқиб чиқилган матннинг рефератдан ихчамроқ шаклидир. Аннотация матн мавзуси, унинг янгилиги, аҳамияти, ўқувчилар учун қизиқарли томонларини таърифлаб беради, шунинг учун унинг таркиби кўпинча баҳолаш характериға эга бўлган бир қолипдаги доимий гаплардан иборат бўлади.

Таржима

Таржима адабий, илмий-оммабоп ва ижтимоий-сиёсий характерға эга бўлган матнлар асосида нутқий фаолият тури сифатида ўзлаштирилади.

II ва III босқичларда бўлажак ихтисосликнинг тор ва кенг томонларига оид бўлган мослаштирилган ёки асл нусхасини қисқартириб мослаштирилган матнлар таржима қилинади.

Таржима олдиға қўйиладиган талаблар қуйидаги махсус хусусий кўникма ва малакалар шакллантирилишини талаб қилади:

- хорижий тил луғатларидан сўзларни тез топа олиш;
- ибораларнинг лексик ва грамматик формал белгиларини аниқлай олиш;
- тил ва жумла мазмунидан келиб чиққан ҳолда, гап мазмуни ҳақида фараз қилиш;
- тегишли мазмунни она тилининг адабий воситалари орқали етказиш.

Нутқий фаолиятнинг бу тури матнларни ўқишни ўргатиш фаолияти билан узвий боғлиқ. Хорижий тил луғатларидан фойдалана билиш кўп жиҳатдан таржима амали унумдорлигини оширади. Керакли сўзларни луғатдан ахтариш жараёни ўқиладиган матн мазмунини тушунишға эришишнинг яна бир қўшимча воситаси бўлиб хизмат қилади.

Икки тилли луғатлардан фойдаланишни ўргатиш машқларида қуйидаги топшириқлар берилади:

- сўзларни алифбо тартибдаги кетма-кетликда ёзиш;
- белгиланган сўзлар сўз туркумларининг қайси бирига тегишли эканини аниқлаш;
- сўзларни дастлабки луғавий шаклида ёзиш;
- ушбу гапда келтирилган фалон сўз луғатда қайси маънода келишини аниқлаш ва ҳ. к.

Бир-бирлари билан боғлиқ бўлган матнларни таржима қилдиришдан аввал ушбу жараёнда учрайдиган қийинчиликларнинг олдини олишга қаратилган. Жумладан, тушунча, грамматик шакл кабилар билан боғлиқ бўлган лексик ва грамматик машқлар ўтказилади.

Матн аввал бутунлигича ўқиб чиқилади, сўнг абзац ва гапларга ажратилиб таржима қилинади.

Биринчи босқичда ўқувчилар нотаниш бўлган сўзлар маъносини сўз яшаш белгилари асосида ва гапнинг умумий мазмунидан келиб чиққан ҳолда аниқлашни ўрганадилар, таржима қилинаётган гапни она тилининг тўғри грамматик шаклида беришни ўрганадилар.

Иккинчи босқичда тиллар ўзлаштирилишининг юқори даражасига еришган ўқувчилар учун техник таржима усули тавсия этилади, учинчи босқичда бу усул уларнинг фаолиятлари кенг ўрин эгаллайди. Техник таржима жараёнида ўқувчиларнинг касбий йўналиши, уларнинг манфаат ва касбий интилишлари, фан ва техниканинг сўнгги ютуқлари билан боғлиқ бўлган матнлардан фойдаланилади. Техник таржима қўлланилиши жараёнида ўқувчилар илмий-техник ахборот турлари билан-ойнома ва рўзнома мақолалари, реклама материаллари, кўрсатма, каталог, маълумотнома кабилар билан танишадилар.

Гапириш

Нутқнинг диалог ва монолог тарзидаги икки шаклидан лицейларда ахборот беришда аҳамиятлироқ ва ривожлантиришнинг катта имкониятларига эга, нутқий фаолиятнинг бошқа турлари билан кўпроқ боғлиқ бўлган, биринчи галда ўқувчиларнинг мустақил, синфдан ташқарида олиб борадиган ишларидан унумли фойдаланиш имконини берувчи ўқиш билан боғлиқ бўлган, монолог нутқ ривожлантирилади.

Биринчи курсда қуйидаги малакалар шакллантирилади:

- дастурдаги мавзулар бўйича тасвирлаш, ҳикоя қилиш, фикр-мулоҳаза юритиш элементларига асосланган ҳолда бир-икки синфдоши билан суҳбат олиб бориш;
- таклиф этилган нутқий вазият юзасидан ўз фикрини билдириш;
- дастурдаги мавзулар бўйича бир-бири билан боғлиқ мулоҳазаларни билдириш;
- махсус ҳарактерга эга бўлмаган, эшитиб ё ўқиб идрок этилган матнларнинг асосий мазмунини ўз сўзлари билан ҳикоя қилиш ва унга нисбатан ўз муносабатини билдириш;

- ёзма режа ва таянч сўзлар асосида илмий-оммабоп ёки ижтимоий-сиёсий характерга эга бўлган матнларни ўқиш натижасида кенг, яхши тайёрланган ахборотларни бериш;
- кундалик ҳаётда учраб турадиган воқеа ва ҳодисалар, сахна кўринишлари шунингдек, завод ва фабрикаларда иш жарёни; туризм соҳасидаги (ресторанда суҳбат, гидлар учун тархий ёдгорликлар) ҳақида ва уларни таништириш учун қўлланиладиган ибора ва терминларини билиш;
- тайёрланган ахборотнинг муддати - одатий тезликда гапирганда 3 дақиқагача бўлиши лозим.

II ва III курсларда ўтказиладиган мулоқотларда қўлланиладиган элементлардан фойдаланиш, нутқнинг диолог ва монолог шакллари яқинлаштириш, оддий реплика қўллаш билан биргаликда ўз фикрини атрофлича баён этилиши, мулоқот қатнашчилари ҳис туйғуларини ифода этишлари, уларнинг сонини кенгайтириш ҳисобига тайёргарликсиз олиб бориладиган сўзлашиш малакалари янада ривожлантирилади.

Она тили ва ўрганилаётган чет тилда тайёрланган махсус ахборот чоп этилган турли босма манбалардан фойдаланилган ҳолда, салмоғи жиҳатидан анча кенг бўлган маълумотлар асосида қурилади, у ташаббускорлик хусусиятига эга бўлади, чунки фақат берилган мавзу асосида тузилмасдан, балки ўқувчининг ўзи танлаган мавзуси бўйича тузилиши мумкин. Ахборотни бундай ҳолда бериш жараёнида эътибор кўпроқ нутқнинг тўғри юритилиши, уни тингловчи учун тушунарли бўлиши (тил воситаларидан фойдаланиш, аниқлиги, мазмуни нуқтаи назаридан ва ҳ.к.) ва уларнинг фақат илмий-оммабоп ёки ижтимоий-сиёсий характерга эга бўлган мавзудаги ахборотларни муҳокамасида фаол иштирок этишларини назарда тутиб қолмасдан, балки касбий йўналтирилган мавзуларга ҳам шундай муносабатда бўлишни тақозо этади.

Бундай тайёрланган ахборотнинг муддати одатий тезликда 5 дақиқагача бўлиши лозим.

Ушбу турдаги ўқув юртларида сўзлашишни ўргатиш, матнларни ўқиш ва тинглаш орқали ўзлаштирилган турли ахборот, ҳамда иш юзасидан олиб бориладиган суҳбат учун лозим бўлган нутқий намуналардан фойдаланиш асосида амалга оширилади.

Нутқ намуналари диалоглар, ўқиш учун мўлжалланган кичик ҳажмдаги матнлар, тинглаб тушунишга мўлжалланган матнлар таркибига киритилади.

Ўқувчилар мулоқотларининг қуйидаги турлари ташкил этилади:

- 1) ўқувчиларни ахборот, реферат кабилар билан чиқишларини кўзловчи махсус йўналтирилган мулоқот;
- 2) ахборотларни муҳокама қилиш ҳамда шартномаларни тузилишини кўзловчи, иш юзасидан ташкил этилган суҳбатлардан иборат бўлган, бирор мавзуга йўналтирилган гуруҳий мулоқот;
- 3) мазмуни билиш манфаатларига мос келувчи адабиётларни ўқишлари асосида ўқувчилар эҳтиёжларини қондирадилар.

Академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида чет тил ўргатилиши жараёнида иш юзасидан олиб бориладиган мулоқотга, ўқувчиларнинг

келажакда олиб борадиган меҳнат фаолиятларига хос моделини, меҳнат фаолияти билан боғлиқ бўлган ўйинларни ташкил этиш кўзланади.

Меҳнат фаолияти билан боғлиқ бўлган ўйин - бу иш юзасидан, одатда, касбий, баҳс мазмунига эга бўлган, аҳамиятли ўйин туридир.

Ушбу нутқий мулоқотнинг типик вазиятида, жумладан, иш юзасидан олиб бориладиган - фикрлар алмашуви, суҳбат ва баҳсларда иштирок этишлари учун ўқувчилар қуйидаги малакаларларни ўзлаштириб олишлари лозим:

- ахборотни сўраш, аудитория олдида ахборот билан чиқиш, муҳокама қилинаётган масалалар бўйича ўз фикрларини билдириш, баҳслашиш, гапларни беҳато тузиш;

- мулоқот қоидаларини билиш;

- илтимос, миннатдорчилик, узр сўраш, қўшимча ахборотларни сўраш, суҳбатга тортиш, бир қолипдаги нутқий намуналарни ишлата билиш ва ҳ.к.;

- ахлоқий баҳолаш жараёнида ишлатиладиган сўз ва ибораларнинг кенг туркуми, илмий тушунчаларни ифодаловчи иборалардан фойдаланиш.

Тинглаб тушуниш

Ўқувчиларда матнларнинг тор соҳани ифодаловчи турларидан ташқари юқорида келтирилган барча турларини тинглаб тушуниш малакалари ривожлантирилади.

Ўқувчиларнинг тинглаб тушунишлари орқали уларда қуйидаги нутқий малакаларларни ҳосил қилиш муҳимдир:

- тўғридан-тўғри юз берадиган мулоқотлар чоғида кундалик турмуш ва ўқув вазиятлари ҳақида бўладиган суҳбатларни тушуниш;

- газета ва журналларнинг мамлакатшунослик характерида эга бўлган кичик матнларини тушуниш;

- асосий ва иккинчи даражали ахборотларни ажрата олиш;

- ушбу курс мавзуларига тегишли ҳар қандай оғзаки матннинг асосий мазмунини эшитиб идрок этиш орқали тушуниш.

Ёзув

Ўқиш ва гапиришни ўргатиш жараёнида ёзув кўпроқ ёрдамчи вазифани бажаради.

II курсда асосий эътибор матн устида ёзма иш олиб борилишига қаратилган. Ўқувчилар матн режасини туза олиш, унинг ҳар бир парчасини номлаш, ўқиб чиқилган ҳар бир қисмига саволлар бера олиш, матнни ўрганиш натижасида ўзларига керакли кўчирмалар қила олиш малакаларини эгаллашлари талаб қилинади.

II ва III курсларда суҳбат режасини тузиш ва уни ёзиб олишлари, ўқиб чиқилган матнни конспект қилиш, бўлажак ихтисосликларининг кенг ва тор кўламлари бўйича бўлган адабиётлардан реферат ва аннотациялар ёза олиш, стандарт мазмунига эга бўлган, хизмат доирасига алоқдор бўлган қоғозларни ёзиш ё тўлдирати олиш (ариза туридаги, анкета, тайёр бланкаларни тўлдириш)

расмий ва норасмий ҳафтерга эга бўлган хатларни ёза олишларига эътибор қаратилади.

Юқори савиядаги ўқувчилар учун касбий йўналишдаги, аслиятдаги матнларнинг ўқув рефератлари ва аннотацияларини ёзиш, ёзма ишларнинг етакчи тури ҳисобланади.

Тил материали

Тил материали репродуктив ва рецептив тарзда ўзлаштириш учун мўлжалланади.

Академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ўқув режасидаги умумтаълим блоки таркибидаги чет тиллар бўйича тил материални танлаш ва методик ташкил этишнинг хусусиятлари қуйидагилардан иборат:

-тил материални курсларга бўлиб эмас, балки бутун ўқиш муддати учун тузиш;

-ўрганилаётган тилда аслиятдаги адабиётларни ўқишга имкон берувчи реал (нақд) ва потенциал (яширин) лексик минимумни ажратиб бериш;

-илмий-оммабоп ва касбга оид матнларнинг ўзига хос хусусиятларини ифода этувчи рецептив грамматик минимумни ажратиб бериш;

-ўқувчиларнинг мавжуд сўз бойлигини кенгайтириш мақсадида қўлланилмиш сўз ясаш минимумини яратиш;

-ўқувчиларнинг пухта ўзлаштиришларини кўзлаб, грамматик ва сўзлар ясаш бўйича материални умумлаштириш ва системага солиш.

Француз тилидан лексик минимум

Академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ўқув режасининг умумтаълим фанлари блоки таркибига киритилган актив лексик минимуми, турғун бирикмалар ва ибораларни ҳисобга олганда, 3000 та лексик бирликни (улардан 1100 таси умумтаълим мактабида ўзлаштирилган) ўз ичига олади.

Одатий нутқий вазиятларида коммуникатив вазифа бажариш учун бу ҳажмдаги сўзлар миқдори зарур ва ётарли.

Рецептив лексик минимум 3000 дан кам бўлмаган лексик бирликларни, жумладан, сўзларнинг потенциал луғат бойлигини ўз ичига олади. Ушбу миқдордаги сўзлар оддий матнларни яроқ этиб тушунишдан ташқари асл нусхадаги матнларни тушуниш имконини ҳам беради.

Сўзларнинг ушбу миқдори таркибига актив минимум (1300 ЛБ, шу жумладан мактаб лексик минимуми-1100 ЛБни), пассив минимум (умумтаълим мактабида ўрганилган 600 ЛБ) киради, фақат пассив равишда ўрганиладиган ва потенциал луғат таркибига кирадиган сўзлар, яъни ўқувчиларнинг сўз ясаш қоидасини билиши орқали, она тили таркибидаги сўзлар билан ўхшашлиги туфайли, жумла маъносидан келиб чиққан ҳолда маъноси очиладиган сўзлар ҳам киради.

Уч йиллик ўқиш мобайнида бундай сўзлардан камида 2400 таси ўзлаштирилиши лозим.

Француз тилидан сўз яшаш минимумига умумтаълим мактабида
ўзлаштирилган билимлар ҳам киради, жумладан:

-ième тартиб сони суффикси;

-ment равиш суффикси.

Академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари француз тили лексик минимумидаги сўз яшашнинг янги элементлари:

-eux, -euse, -ain, -aine, -el, -elle, -ique, -ais, -aise, -ien, -ienne сифатлари суффиксларини;

-eur, -euse, -té, -tion, -ment, -ier/ière, -esse, -age, от суффикслари;

-re феъл префикси;

-in, -im сифат префикслари.

Француз тилидан грамматик минимум

Француз тилидан актив грамматик минимум умумтаълим мактабида ўтилган ва уларсиз оғзаки-нутқий мулоқот юритиш имкони бўлмаган ҳодисалардан иборат, жумладан:

- дарак гаплар барча турлари (тасдиқловчи ва инкор қилувчи), сўроқ сўзларини киритувчи “est-ce que” сўроқ гап тузилиши, нутқ ифода этилишини кучайтириш мақсадида сўзларнинг одатий ўринларини алмаштириш услубини киритувчи сўроқ гаплар;
- аниқ, ноаниқ, қисқартирилган, қўшилиб кетган ва қисман шаклдаги артиклар;
- эгалик олмоши ва кўрсатиш сифатини ишлата билиш;
- “on” ноаниқ кишилик олмоши;
- “mais, quand, parce que, si” боғловчили, эргаш гапларга эга бўлган эргашган қўшма гапли жумлалар;
- кишилик олмошлар воситасиз ва воситали тўлдирувчи сифатида “у, en” олмошлари;
- сифат ва равишларнинг қиёсий даражалари;
- ўзлик феъллари;
- “Conditionnel Présent, Subjonctif, Pronoms relatif Futur immédiat, Passé immédiat” I, II, III гуруҳ феъллари.

Рецептив грамматик минимум - ўқиш грамматикаси бўлиб, ёзма нутқда кўп ишлатиладиган тил ҳодисаларидан ташкил топади.

Унинг таркибига актив грамматик минимумдан ташқари, умумтаълим мактабида пассив равишда ўзлаштирилган, que, qui, ou, dont кириш сўзлари, қўшма гапли аниқловчилардан иборат бўлган эргашган қўшма гаплар; ne...que чекланган юкламалардан иборат бўлган гаплар; пассив формадаги феъл шакллари - Forme passive; Passé simple, Plus-que-parfait, Futur dans le passe замон шакллари; кўчирма гаплар киради.

Академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари рецептив грамматик минимуми таркибига янгилик сифатида ўқиш жараёнида танишиш ва тушуниш учун қуйидагилар киритилади:

- si va Conditionnel présent (si j'avais le temps, j'irai au cinéma) боғловчи кириш сўзлари, шартли эргаш гаплардан иборат бўлган эргашган кўшма гаплар;
- эга сўзини мантиқан ажратиб олиниси белгиси сифатида c'est...qui иборалари ва гапнинг кесим ва иккинчи даражали бўлакларини мантиқан ажратилиши сифатида c'est...que иборалари;
- феълларнинг Gerondif, Participe passé ва Participe présent шакллари;
- lequel, lesquels, laquelle, lesquelles боғловчилари бўлган эргашган кўшма гаплар.

Мамлакатшунослик ва лингвомамлакатшунослик

Чет тил таълими мазмунида ушбу компонентнинг берилиши, ўқувчиларга бошқа халқлар маданияти билан танишиш, ўқиш жараёнида «маданиятлараро мулоқотни» амалга ошириш имконини яратади.

Ўқувчилар лицей ва коллежларни битириш чоғида қуйидаги билимларни эгаллайдилар:

-умумтаълим мактабларида Франция тарихи ва географияси, уларнинг маданияти, санъати, анъаналари, байрам, турмуш, хордиқ чиқариш, кундалик ҳаёт тарзи ҳақидаги маълумотлар;

-француз тилида гаплашадиган мамлакатлар ҳақидаги маълумотлар;

-уларнинг давлат тузуми, буюк арбоблари, бугунги кунда эришган ютуқлари ва мавжуд муаммолари ҳақида янги маълумотлар;

-она тили билан қиёсан аниқланган француз тилига хос бўлган энг муҳим фарқлар;

-француз тили бўйича сўз бойлигини ошириш;

-нутқ маданияти қоидаларидан эркин фойдалана олиш.

Нутқ мавзулари

Ўқиш, таржима қилиш, гапириш ва тинглаб тушунишга мўлжалланган ўқув материаллари, Франция ва бизнинг ватанимиз хусусиятлари ва умуминсоний қадриятлардан келиб чиққан ҳолда, ўқувчиларнинг умуммаданий эҳтиёжлари, касбий қизиқишларига изчил хизмат қилишга қаратилган.

Маданий, ижтимоий, касбий, меҳнат ва ўқиш фаолиятларига мулоқотнинг асосий жараёнлари сифатида қаралади.

Ушбу мулоқот жараёнлари таркибида қуйидаги мавзулар тавсия этилди:

Инсон ва жамият

Франция ва Ўзбекистон ўртасидаги маданий-илмий ва бошқа хилдаги алоқалар, шу жумладан, ёшлар ўртасида фикр алмашиш;

ҳозирги замон жамиятида ёшларнинг ҳаёти: ўқиш, хордиқ чиқариш, шу жумладан, илмий-техник ижод, муаммо ва истикбол;

Франция мамлакати халқларининг маданияти, турмуши ва анъаналари (бадий асарлар ва асл нусхадаги бошқа матнлар асосида);

ижтимоий-сиёсий ва маданий ҳаёт лавҳалари (газета ва журналлардан);

жамиятнинг экологик муаммолари (табiiй бойликлардан оқилона фойдаланиш, ердаги ҳаётни сақлаб қолишда экологиянинг аҳамияти).

Маданият ва санъат

мамлакатимиз, Франция адабиётлари, мусиқалари, тасвирий санъат, театр ва кинолари;

мамлакатимиз ва Франция мамлакатнинг умумжаҳон моддий ва маънавий тараққиётига қўшаётган ҳиссаси;

буюк шахсларнинг таржимаи ҳоллари.

Фан

мамлакатимиз ва Франция мамлакатининг фан-техникадаги кашфиётлар тарихи;

ўқувчилар касби бўйича француз тилидаги баъзи маълумотлар (гуманитар, табиатшунослик, математика, тилшунослик соҳаларидан).

Коинот ҳақидаги тушунчалар.

Меҳнат ва ишлаб чиқариш

турли касб ва меҳнат турлари;

ҳозирги замон ишлаб чиқаришининг хусусиятлари, фан ва илғор технологияларнинг ундаги аҳамияти;

ҳозирги замон ҳисоблаш техникасининг имкониятлари, унинг жамият ҳаётидаги аҳамияти, ўқиш жараёнида ундан фойдаланиш;

чет эллик сармоядорлар билан тузилган қўшма корхоналар фаолияти.

Намунавий мавзулар режаси

Соат	Мавзулар	Грамматик маълумот
	1. Инсон ва жамият.	
10	Франция ва Ўзбекистон ўртасидаги маданий- илмий ва бошқа хилдаги алоқалар, шу жумладан, ёшлар ўртасида фикр алмашиш	- дарак гапларнинг барча турлари (тасдиқловчи ва инкор қилувчи); - сўроқ сўзларини киритувчи est-ce que сўроқ гап тузилиши, нутқ ифода этилишини кучайтириш; мақсадида сўзларнинг одатий ўринларини алмаштириш услубини киритувчи сўроқ гаплар;
14	Ҳозирги замон жамиятида ёшларнинг ҳаёти: ўқиш, ҳордиқ чиқариш, шу жумладан, илмий - техник ижод, муаммо ва истиқбол	аниқ, ноаниқ, қисқартирилган, қўшилиб кетган ва қисман шаклдаги артикллер;
12	Франция халқининг иқтисодиёти, маданияти, турмуши ва анъаналари (бадий асарлар ва асл нусхадаги бошқа матнлар асосида)	- эгалик олмоши ва кўрсатиш сифатини ишлата билиш; - оп ноаниқ кишилиқ олмоши; - mais, quand, parce que, si боғловчили, эргаш гапларга эга бўлган эргашган қўшма гапли
12	Ижтимоий-сиёсий ва	

	маданий ҳаёт лавҳалари (рўзнома ва ойномалардан)	жумлалар; - кишилиқ олмошлар воситасиз ва воситали тўлдирувчи сифатида, у, еп олмошлари; - сифат ва равишларнинг қиёсий даражалари; - ўзлик феъллари; - Présent, Futur simple, Passé composé, Imparfait, Futur immédiat, Passé immédiat I, II, III гуруҳ феъллари - умумтаълим мактабида пассив равишда ўзлаштирилган, жумладан que, qui, ou, dont кириш сўзлари, - қўшма гапли аниқловчилардан иборат бўлган эргашган қўшма гаплар; - ne...que чекланган юқламалардан иборат бўлган гаплар; - пассив формадаги феъл шакллари - Forme passive; Passé simple, Plus-que-parfait, Futur dans le passe замон шакллари; - қўчирма гап; - si ва Conditionnel présent (si j'avais le temps, j'irai au cinéma) боғловчи кириш сўзлари; - шартли эргаш гаплардан иборат бўлган эргашган қўшма гаплар; - эга сўзини мантиқан ажратиб олиниши белгиси сифатида c'est...qui иборалари ва гапнинг кесим ва иккинчи даражали бўлақларини мантиқан ажратилиши сифатида c'est...que иборалари; - феълларнинг Gerondif, Participe passé ва Participe présent шакллари; - lequel, lesquels, laquelle, lesquelles, боғловчилари бўлган эргашган қўшма гаплар.
12	Жамиятнинг экологик муаммолари (табiiй бойликлардан оқилона фойдаланиш, ердаги ҳаётни сақлаб қолишда экологиянинг аҳамияти)	
	2. Маданият ва санъат	
18	Мамлакатимиз ва Франциянинг адабиётлари, мусикалари, тасвирий санъат, театр ва кинолари.	
14	Мамлакатимиз ва Франциянинг умумжаҳон моддий ва маънавий тараққиётига қўшаётган ҳиссаси	
8	Буюқ шахсларнинг таржимаи ҳоллари	
	3. Фан	
10	Мамлакатларимиз ва Франция фан-техникасидаги кашфиётлар тарихи	
18	Франция олимларининг фан, техника ва технология тараққиётига қўшган ҳиссаси	
6	Ўқувчилар касби бўйича ўрганилаётган тилдаги баъзи маълумотлар (гуманитар, табиатшунослик, математика, тилшунослик соҳаларидан)	
6	Коинот ҳақида тушунчалар	

	4. Мехнат ва ишлаб чиқариш
4	Турли касб ва меҳнат турлари
2	Ҳозирги замон ишлаб чиқаришининг хусусиятлари, фан ва илғор технологияларнинг ундаги аҳамияти
4	Ҳозирги замон ҳисоблаш техникасининг имкониятлари, унинг жамият ҳаётидаги аҳамияти, ўқиш жараёнида ундан фойдаланиш
4	Касбий фаолият юритиш, касбий маҳоратнинг ўзлаштирилиши жараёнида чет тилларнинг роли
2	Чет эллик сармоядорлар билан тузилган қўшма корхоналар фаолияти
Жами :160	

Академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида француз тилини ўқитиш жараёнини назорат қилиш

Ўқув юртларининг ушбу шаклларида француз тилини ўқитишни назорат қилиш ва ўқувчилар эришган муваффақиятларни баҳолашнинг сифат жиҳатидан фарқ қилувчи усуллари қўлланилиши талаб қилинади. Назорат қилиш ва баҳолашга бир-бирини ўзаро тўлдирувчи фаолият сифатида қаралади. Назорат ўқувчиларнинг бутун ўқиш жараёнида эришган ютуқларини қайд қилиш имконини беради. Баҳолаш эса бир вақтнинг ўзида ҳам педагогик ҳам бошқариш воситаси бўлиб қолади, чунки у ўқувчиларда ўз фаолиятларига ўзлари баҳо бера олиш малакаларини сингдиради, академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари шароитида эса мустақил ишларнинг солиштирма оғирлиги, таълимнинг қуйи босқичларидагига нисбатан анча юқоридир.

Нazorat қилишнинг педагогик асосини ўқувчи текшириш вақтигача нимани ўрганганини аниқлашга интилиш ташкил этиши лозим. Назоратнинг

бундай ижобий ёндашуви қўлланилганда одатий бўлиб қолган чет тиллар ўзлаштирилиши масаласида ўқувчиларнинг билмаслик ёки хатоларини ҳисоблаш билан чекланиш услубидан воз кечилади.

Академик лицей ва касб-ҳунар коллежларининг вазифаси чет тиллардан мутахассисларни етиштириш эмас, балки ўқувчиларни кейинги амалий фаолиятлари жараёнида фойдаланишлари учун чет тиллардан нутқий малакалар беришга мўлжаллангандир, бинобарин тил соҳасидаги материаллардан фойдалана олиш даражаси масаласида бир қадар аппроксимацияга (идеал даражадаги талаблардан бир оз чекиниш)га йўл қўйилиши мумкин.

Академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ўқувчиларининг чет тиллардан эришишлари лозим бўлган минимал зарурий ва етарли бўлган даражаси – чет тилларда матнларни ўқиш, оғзаки ва ёзма ишлари каби асосий коммуникатив лаёқатларини шакллантирилиши билан боғлиқдир.

Ушбу лаёқатлар тил материални билиш ва ундан фойдалана олиш кўникмаларини ҳосил қилиниши ҳамда коммуникатик малакалар шаклланишида муҳим шарт бўлиб хизмат қилувчи лингвомамлакатшунослик характери билишни тақозо этади.

Қуйидаги минимал зарурий кўникма ва малакалар якуний назоратдан ўтказилади:

Ўқиш соҳасида:

-ўқилган матн мавзусини аниқлаш;

-асосий фикрни ажратиш;

Ахборотни қабул қилиш ва бошқаларга етказиш (матнга асосланган ҳолда оғзаки ёки ёзма равишда); гапириш соҳасида:

-дастурда кўрсатилган мавзулар бўйича ижтимоий-маиший, ўқув-ишлаб чиқариш ва ижтимоий-маданий соҳалар бўйича мулоқот жараёнида юз берадиган вазиятларда, ахборот сўраш ва уни етказиш, ҳаракат қилишга даъват этиш, фикр алмашиш;

-ижтимоий-маиший, ўқув-ишлаб чиқариш ва ижтимоий-маданий соҳаларга оид бўлган мулоқот мавзулари бўйича бир бири билан боғлиқ бўлган кенг мулоҳазаларни билдириш;

-ўқиб чиқилган матн мазмунини матн ё берилган саволларга асосланган ҳолда оғзаки баён қилиш;

-ўқиб чиқилган ё тинглаб тушунилган матн мазмунига баҳо бериш, қабул қилинган ахборотни ўз ҳаётий тажрибаси билан солиштирган ҳолда у ҳақида ўз фикрини билдириш.

Тинглаб тушуниш соҳасида:

-дастурий мавзуга оид тинглаб тушунишга мўлжалланган матнларнинг асосий мазмунини тушуниш.

Ёзув соҳасида:

-расмий ва норасмий характердаги хатларни ёзиш;

-ўз мулоҳазаларини билдиришга тайёрланиш мақсадида режа ва тезисларни тузиш.

Таржима соҳасида:

-матндаги алоҳида гап ёки абзацларни аниқ таржима қилиб бериш;
-ўқиб чиқилган матннинг тегишли мазмунини она тили воситалари орқали ифода қила олиш.

Чет тилини ўрганиш жараёнида ҳосил бўлган билимлар, кўникма ва малакалар даражасини таҳлил қилиш анъанавий (турли топшириқлар орқали) ва анъанавий бўлмаган назорат усуллари (тест, рейтинг тизими, мавзулар бўйича синов ўтказиш кабилар) асосида амалга оширилади.

Адабиётлар:

1. «Le monde autour de nous». Академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари учун француз тилидан ўқиш китоби. –Т.: “Ўзбекистон”, 2002. (Табиий ва аниқ фанларга оид матнлар).
2. Методические указания к наглядным пособиям для оборудования кабинета французского языка. –Т.: “Ўқитувчи”, 1989. (Мамлакатшунослик мавзусидаги матнлар: 1) Франция буюк кишиларининг таржимаи ҳоллари-миллий қаҳрамонлар, маърифатпарварлар, ёзувчи, бастакор, рассом, олимлар ва уларнинг жаҳон цивилизацияси тараққиётига қўшган ҳиссалари; 2) Франция шаҳар ва вилоятларининг диққатга сазовор жойлари ҳақидаги ҳикоялар).
3. Пособие по самообразованию учителя французского языка. –Т.: “Ўқитувчи”, 1987. (Ўзбекистон ҳақидаги ҳикоялар).
4. Мирсагатова С. “Француз тили” –Т.: “Ўзбекистон”, 2002.